# 4 000 000 ТОННА ТАЙЁР!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 240 (19.316). • 1985 йил 19 октябрь, шанба • Баҳоси 3 тийин.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! 1985 йил планини бажарайлик, ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли тугаллайлик!

(КПСС Марказий Комитети Чақириқларидан).

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси Марказий Комитет 1985 йил октябрь Пленумининг қарорларини ижро этиш юзасидан ўзининг навбатдаги мажлисида КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, партия Уставига киритиладиган ўзгартишлар ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаларини муҳокама этиш, пропаганда қилиш ва тушунтириш тартибини белгилади.

Ана шу ғоят муҳим сиёсий ҳужжатларни тушунтириш ва пропаганда қилиш соҳасидаги барча тадбирлар конкрет ва амалий характерда бўлиб, дабдабабозликсиз ва шовқин-суронсиз, коммунистлар ва партиясизларнинг актив иштирокида уюшқоқлик билан сермазмун ўтказилиши кераклиги таъкидланди. Партия комитетларига экономикани ривожлантириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, тежамкорлик режимини кучайтириш, уюшқоқлик ва интизомни ошириш, иш услубини, одамларни ғоявий-сиёсий ва маънавий жиҳатдан тарбиялашни тубдан яхшилаш масалаларини диққат-марказига қўйиш таклиф этилади. Меҳнат коллективларининг куч-ғайратларини 1985 йилги давлат планлари ҳамда социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришга, янги— ўн иккинчи беш йилликка уюшқоқлик ва зўр ғайрат билан қадам қўйишни таъминлаш, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун барча мавжуд резервларни сафарбар этишга қаратиш зарур. Съездолди ҳужжатларини муҳокама қилиш ва тушунтириш совет халқининг Коммунистик партия теварагида янада жипслашувига, социалистик жамият ҳаёти барча томонларини такомиллаштириш вазифалари ва истиқболларини меҳнаткашларнинг чуқур тушуниб олишига кўмаклашиши лозим.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг машинасозлик тармоқларига раҳбарликни такомиллаштириш тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилинди. КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг халқ хўжалигини бошқаришни яхшилаш масалаларига доир кўрсатмаларига мувофиқ ишлаб чиқилган ушбу қарорда ҳукуматнинг доимий ишловчи органи сифатида СССР Министрлар Советининг Машинасозлик бюросини ташкил этиш кўзда тутилади. Машинасозлик комплексига раҳбарлик қилиш, машинасозлик тармоқлари ишини мувофиқлаштириш даражасини ошириш, машинасозлик ишлаб чиқаришини техника тараққиётининг юксак даражада ривожланган базасига айлантириш, ягона фан-техника сиёсатини ўтказиш, машинасозлик соҳасида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш бюронинг энг муҳим вазифаларидир. СССР Министрлар Советининг Машинасозлик бюросига ўз компетенцияси доирасида министрликлар ва идоралар ижро этиши учун мажбурий бўлган ҳукумат фармойишларини қабул қилиш, йиллик ва беш йиллик планларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиш, план топшириқларини бажариш учун зарур бўлган моддий ресурсларни белгиланган тартибда қайта тақсимлаш ҳуқуқи берилди.

Сиёсий бюро саноат министрликларининг, таъминот органларининг, бирлашмалар ва корхоналарнинг маҳсулот етказиб бериш планлари, транспорт ташкилотларининг эса юк ташиш планлари бажарилмаганлиги учун иқтисодий масъулиятини ошириш борасидаги чораларни маъқуллади. Бу чоралар маҳсулот етказиб берувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларда янада қатъий тартиб ўрнатишга, шартнома муносабатларини бузганлик ва маҳсулотдан ноўрин фойдаланганлик учун жазо чораларини кучайтиришга қаратилган.

Сиёсий бюро саноат корхоналари ва бирлашмаларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисидаги масалани муҳокама этиб, шу категориядаги хўжаликларни материал-техника ресурслари, уруғлиқ, кўчат, зотли ёш моллар билан таъминлашни яхшилашга қаратилган таклифларни қўллаб-қувватлади. СССР Министрлар Советининг Ёрдамчи қишлоқ хўжалиги тўғрисида намунали низомни қабул қилиш ҳақидаги таклифи маъқулланди.

Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Ливия революцияси раҳбари М. Каддафи билан олиб борган музокараларининг якунларини кўриб чиқди ва маъқуллади. Ана шу музокаралар чоғида халқаро вазиятга ва икки томонлама муносабатларга оид проблемалар юзасидан бўлиб ўтган чуқур фикрлашувлар тенглик, ўзаро манфаатдорлик ва бир-бирини ҳурмат қилиш принципларига асосланган кўп томонлама Совет—Ливия ҳамкорлигини кенгайтириш учун талайгина имкониятлар мавжудлигини тасдиқлади. Визит вақтида имзоланган ҳужжатлар, шу жумладан иқтисодий, илмий-техникавий ва савдо соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш Узоқ муддатли программаси СССР билан Ливия Жамахирияси ўртасида иккала мамлакат манфаатларига, совет—араб дўстлиги манфаатларига мос бўлиб тушаётган дўстона муносабатларни янада кучайтириш учун мустаҳкам негиз бўлиб хизмат қилади.

Ўртоқ А. А. Громиконинг Япония парламенти ва Люксембург депутатлар палатаси делегациялари билан СССР Олий Советида бўлиб ўтган суҳбатлари тўғрисидаги ахбороти маъқулланди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси иқтисодий сиёсатга, чет мамлакатлар билан муносабатларга оид бошқа баъзи масалаларни кўриб чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилди.

## ТЕРИМДА СУРЪАТ ВА СИФАТ БЎЛСИН

**Кўклам ҳавоси ташвишларини эсланг. Ёзнинг жазирама иссиқ лаҳзаларини тасаввур қилинг. Пахтакор буларнинг ҳаммасига бардош бериб, мўл «оқ олтин» ҳосили етиштирди Энди эса уни шу қисқа кузак кунларида тез, нобуд қилмай йиғиштириб олишга киришди. Мақсади — бу йил она-Ватанга 5 миллион 730 минг тонна юқори сифатли пахта етказиб бериш.**

**Ҳа, республикамиз пахтакорлари КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб кутиб олиш учун якунловчи йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш йўлида социалистик мусобақага актив қўшилдилар. Улар шонли анжуманларни зарбдор меҳнатлари билан нишонлашга, партия Марказий Комитетининг апрель ва октябрь Пленумлари қишлоқ меҳнаткашлари олдига қўйган вазифаларини изчил амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.**

**Ҳозир хўжаликлар пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказиб, ўз сўзларини шараф билан бажаришлари учун қудратли техникавий-иқтисодий потенциалга эгадирлар. Машина-трактор паркларининг ўсиши, бригада пудратининг қўлланиши, агросаноат комплексидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари йўлга қўйилаётгани ҳар бир колхоз ва совхозда меҳнат унумдорлигини ошириш, йиғим-терим муддатларини қисқартириш, пахта таннархини арзонлаштириш, унинг сифатини яхшилаш ва топа чиқиш даражасини кўпайтириш имконини бермоқда. Қишлоқда жуда кўп тажрибали механик-ҳайдовчилар етишиб чиқди. Улар «зангори кема»ларни мукаммал ўзлаштириб олиб, ҳар мавсумда муттасил 200-250 тоннадан пахта термоқдалар. Айни пайтда улар билан ёнма-ён агрегат бошқариб, иш унуми 2-3 баробар кам бўлаётган кишилар ҳам ишламоқдалар. Илғор механизаторларнинг бой тажрибасини кўпчиликнинг мулкига айлантиришга эришиш — партия, совет органларининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, район агросаноат бирлашмалари, колхоз ва совхозлар раҳбарлари ҳамда мутахассисларнинг асосий вазифасидир.**

**Буни яхши билган, ишни шунга яраша ташкил этган ва октябрь ойининг биринчи ўн кунлигида давлатга пахта сотишда энг юқори кўрсаткичларга эришган Тошкент, Сирдарё областлари, Ворошилов, Гулистон, Оқолтин, Ленин йўли районлари, Ленин йўли районидаги Будённий номли, Комсомол районидаги «Мирзачўл», Оқолтин районидаги «Фарғона» совхозлари, Ворошилов районидаги Куйбишев номли, Ангор районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозлари республика партия ҳукуматининг кўчма Қизил байроқларини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Гурлан райони ва Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз пахтакорлари қўлида кўчма Қизил байроқ доимо сақлаш учун қолдирилди. Шунингдек, республика жамоатчилиги Бувайда, Чортоқ, Наманган, Ҳонқа сингари қатор районлар пахтакорларининг ҳам ғайрат-шижоатини кўриб турибди. Нукус, Жомбой, Навбаҳор, Қўрғонтепа, Чуст, Усмон Юсупов каби бир қатор районларда эса теримчилар дала ишларида ташаббус кўрсатаётган бўлсаларда, механизаторлар ҳали тўла ишга киришганича йўқ. Кўсаклар бодраб очилиб, кун тобора қисқариб бораётган бугунги қизғин кезларда юқоридаги районларнинг партия, совет комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари раҳбарлари теримда тубдан ўзгариш ясаш чораларини кўришлари шарт.**

**Хом ашёнинг сифати пахтакорлар меҳнатига баҳо бериш учун асосий мезондир. Олдинги йилларда баъзи районларда ялпи ҳосил ва миқдор кўрсаткичлари ортидан қувиб, олий сортли маҳсулот етиштириш камайтириб юборилганди. Оқибатда тўқимачилар сифатсиз тола олиб, хўжаликларнинг ҳам даромади камайиб кетганди. Эндиликда мусобақа якунларини чиқаришда пировард натижа — етиштирилган ҳосилдан тола чиқиш даражаси ва унинг сифати асосий кўрсаткич бўлади. Район агросаноат бирлашмалари вакиллари машина терими ва умуман йиғим-теримнинг боришини алоҳида контрол остига олишлари, ишда бракка, лоқайдликка йўл қўяётганлардан қатъий талаб қилишлари керак. Механизатор ва теримчиларни моддий рағбатлантириш тадбирлари билан мунтазам таништириб бориш даркор. Зеро, ҳозир асосий ҳақ миқдорга қараб эмас, терилган пахта сифатига қараб тўланишини ҳамма механик-ҳайдовчилар ёки теримчилар ҳам билавермайди. Баъзи жойларда ҳамон заводларга ортиқча намликдаги ва ифлос хом ашё келтирилаётгани сабаби шунда эмасмикан! Хўжаликлардан юборилаётган пахтани сортига қараб қабул қилиш, уларни алоҳида бунтлаш тартиб-қоидалари бузилмоқда. Бу эса эгасизликка, пахта сифатини оширишдан манфаатдорликнинг бузилишига олиб келади.**

**Йиғим-терим мавсуми партия комитетларидан, қишлоқ коммунистларидан алоҳида куч-ғайрат талаб қилади. Улар мусобақанинг таъсирчанлиги ва ошкоралигига эришишлари, ҳосил йиғим-теримида банд бўлган ҳамма деҳқонларни, механик-ҳайдовчиларни меҳнатда баҳслашишга жалб этишлари, ўзлари эса шахсий намуна кўрсатишлари, хўжасизлик, масъулиятсизликка, интизом бузилиши ҳолларига қарши кураш олиб боришлари керак. Маънавий ва моддий рағбатлантириш усулларидан, коллектив пудрати афзалликларидан тўлароқ фойдаланиш, олдинда бораётганларни муносиб тақдирлаш, айниқса, муҳимдир. Меҳнаткашларнинг унумли ишлашлари ва яхши дам олишлари учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб беришни партия, совет ва касаба союз, хўжалик органларининг раҳбарлари унутмасликлари лозим.**

**Ҳосил йиғим-теримини муваффақиятли тугаллаш, мамлакат халқ хўжалиги учун қимматли хом ашё етиштириш ва тайёрлаш юзасидан план ҳамда социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш республикамиз пахтакорлари, агросаноат комплекси ходимларининг ватанпарварлик бурчидир. Зеро, КПСС Марказий Комитетининг шу йил октябрь Пленумида таъкидланганидек, «Ҳозир ҳар бир совет кишисининг, ҳар бир меҳнат коллективининг, ҳар бир партия ташкилотининг конкрет иш қилишлари айниқса зарур. Яна ҳам активроқ ҳаракат қилиш пайти келди, бу эса ҳозир асосий ишдир. Партия, совет хўжалик, касаба союз ташкилотлари олдимизда турган вазифаларни изчиллик билан бажаришга, бутун потенциални, барча ресурсларимиз ва имкониятларимизни ва аввало, инсон омилини сафарбар этишлари шарт».**

*ЯГОНА СИЁСИЙ КУН*

## УЛУҒ ОКТЯБРЬ ҒОЯЛАРИ ТАНТАНАСИ

**Улуғ Октябрь социалистик революцияси дунёни революцион тарзда янгилашга асос солди, Октябрь ғоялари давримизнинг байроғи бўлиб қолди. Бу ғояларнинг оммалашуви планетамиздаги миллион-миллион мазлум кишиларга озодлик ва бахтиёр ҳаёт учун кураш йўлини кўрсатиб берган улуғ В. И. Ленин номи билан чамбарчас боғланган. Большевиклар партияси Россия пролетариати билан энг камбағал деҳқонларни тарихий ғалабага— дунёда биринчи социалистик давлатнинг барпо қилинишига олиб келди. Совет кишилари бутун тараққийпарвар жамоатчилик билан биргаликда Октябрнинг 68 йиллигини энг порлоқ ва қувончли байрам сифатида кутиб олмоқдалар.**

18 октябрь куни республикада «Улуғ Октябрь ғоялари тантанаси» мавзуида ўтказилган ягона сиёсий кунда шу ҳақда гапирилди. Саноат корхоналари, қурилишлар, муассасалар ва ўқув юртларининг коллективлари ҳузурида, «оқ олтин» учун умумхалқ кураши қизғин тус олган колхоз ва совхозларнинг дала шийпонларида суҳбат ўтказган докладчилар мамлакатимиз экономика ва маданият соҳасида эришган жуда катта муваффақиятларни гапириб бердилар. Совет ҳокимияти йилларида мамлакатимиз асрларга тенг йўлни босиб ўтди, улуғ давлат бўлиб қолди.

Совет кишилари жаҳон системасига айланган ва инсониятнинг тақдирига тобора кўпроқ таъсир ўтказаётган реал социализмнинг муваффақиятлари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Советлар мамлакати ўз ҳаётининг дастлабки кунларидан бошлабоқ тинчлик ишига муттасил содиқлигини билдирди ва Ер юзида хавфсизликни таъминлашга, ядро уруши хавфини тугатишга қаратилган сиёсатни изчиллик билан ўтказиб келмоқда.

Улуғ Октябрь чор Россиясининг собиқ чекка ўлкалари халқлари ижодий кучларини уйғотди. Ўзбекистон ССРнинг экономика ва маданият ҳамма соҳаларидаги ютуқлари ленинча миллий сиёсат тантанасининг ёрқин ифодаси бўлиб қолди. Докладчилар республикада рўй берган катта-катта социал-иқтисодий ўзгартишлар ҳақида батафсил гапирдилар.

КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишлар, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаларини маъқуллаган КПСС Марказий Комитети 1985 йил октябрь Пленумининг якунлари ишлаб чиқариш коллективларидаги куч-ғайратни янада қулф урдириб юборди. Пленум ҳужжатларида партиянинг мамлакат социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш ва шу асосда жамиятимизнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришиш соҳасида бошлаган йўли конкрет равишда ифодалаб берилди.

Республика меҳнаткашлари КПСС XXVII съезди шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборганликларини сиёсий кунда сўзга чиққан кишилар уқтириб ўтишди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларига мувофиқ, ҳамма жойда кадрларга нисбатан талабчанлик кучайтирилди, уларнинг топширилган иш учун масъулияти оширилди, интизом ва тартиб мустаҳкамланмоқда, салбий ҳодисаларга қарши кескин кураш олиб борилмоқда.

Ягона сиёсий кунда меҳнат коллективларида шу йилги ва умуман ўн биринчи беш йиллик ишлаб чиқариш топшириқларини сўзсиз бажариш учун қулай шароит яратиш масалаларига катта эътибор берилди. Фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг жорий этиш, хўжаликни тежамли юритиш асосида эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш зарурлиги уқтириб ўтилди. «Оқ олтин» териминниг барча қатнашчилари ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчини шараф билан бажариш — мўл пахта ҳосилини қисқа муддатларда ва ҳеч нобуд қилмай териб олиш учун имкони борича уюшқоқлик, онглилик намуналарини кўрсатишлари зарурлиги ягона сиёсий кунда таъкидлаб ўтилди. Докладчилар кўпгина саволларга жавоб қайтаришди.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг аъзолари, область, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, совет ва жамоат ташкилотларининг, республика министрликлари ва идораларининг раҳбарлари, партия ва меҳнат ветеранлари меҳнат коллективлари ҳузурига бориб суҳбатлар ўтказишди.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

## XXVII „ОҚ ОЛТИН" хирмонига

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 18 октябрга бўлган**

**МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Фарғона | 1,34 | 87,15 | 0,53 | 32,85 |
| Наманган | 1,81 | 82,05 | 1,98 | 62,96 |
| Тошкент | 1,91 | 81,83 | 1,93 | 90,15 |
| Хоразм | 1,02 | 78,33 | 0,39 | 38,17 |
| Бухоро | 0,85 | 71,53 | 0,10 | 14,69 |
| Андижон | 1,49 | 71,10 | 1,37 | 43,52 |
| Сурхондарё | 1,61 | 69,68, | 1,53 | 74,13 |
| ҚҚАССР | 1,43 | 69,02 | 1,25 | 56,79 |
| Сирдарё | 3,04 | 64,64 | 3,47 | 80,38 |
| Навоий | 1,01 | 63,60 | 0,53 | 36,04 |
| Жиззах | 2,23 | 57,69 | 2,03 | 64,22 |
| Самарқанд | 1,08 | 56,86 | 0,62 | 36,87 |
| Қашқадарё | 1,21 | 45,71 | 0,96 | 31,98 |
| Республика бўйича: | 1,53 | 69,12 | 1,33 | 51,49 |
| **Шу жумладан ингичка толали пахта:** | | | | |
| Сурхондарё | 2,73 | 107,84 | 3,04 | 126,32 |
| Наманган | 1,36 | 89,48 | — | — |
| Бухоро | 1,09 | 49,41 | — | — |
| Навоий | 0,88 | 31,76 | 0,32 | 1,86 |
| Қашқадарё | 1,44 | 30,23 | 1,39 | 20,03 |
| Республика бўйича: | 2,14 | 76,87 | 2,25 | 80,81 |

## ЖАМИЯТ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ ПЛЕНУМИ

18 октябрь куни Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти правлениесининг пленуми бўлди. Ташкилий масала кўриб чиқилди. И. Х. Тўхтахўжаева пенсияга чиққанлиги муносабати билан жамият президиуми раиси вазифасидан озод қилинди.

Ф. Ғ. Тешабоев жамият президиумининг раиси этиб сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева иштирок этди.

(ЎзТАГ).

## ҲИНДИСТОНДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР

Ҳиндистон журналистлари, марксчи Компартияси аъзолари делегацияси Тошкентга келди. 18 октябрь куни меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида бўлдилар, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар, «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» республика газеталари редакцияларининг ходимлари билан учрашдилар. Шу куни ҳиндистонлик меҳмонлар Ўзбекистон Журналистлар союзида қабул қилиндилар.

(ЎзТАГ).

## ҚАЛБ АМРИ БИЛАН

Ўзбекистондан Бутуниттифоқ зарбдор қурилиши —Череповец металлургия комбинатига комсомолларнинг биринчи отряди жўнаб кетди. Улар орасида республиканинг ҳамма областларидан монтажчилар, пайвандловчилар, ғишт терувчилар, бўёқчилардан иборат кўпгина касб-кордаги ёшлар бор. Улар 5-домна қурилишида қатнашадилар. Ғалабанинг 40 йиллиги номли Бутуниттифоқ зарбдор отрядга бориб қўшиладиган йигит-қизларга жўнаб кетишлари олдидан комсомол йўлланмалари топширилди. Уруш ва меҳнат ветеранлари уларга оқ йўл тилаб қолдилар.

Йил бошидан бери Ўзбекистон ёшларидан икки ярим минг нафардан кўп киши КАТЭК, «Атоммаш», Тюмень нефть-газ конлари, Нокоратупроқ зона объектлари қурилишига жўнаб кетдилар.

(ЎзТАГ).

• НОМЕРГА ТЕЛЕГРАММА

## МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

**КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб кутиб олиш учун курашаётган хўжалигимиз пахтакорлари дастлабки муваффақиятга эришдилар. Мавжуд 3300 гектар ернинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил олиниб, йиллик план муддатидан илгари шараф билан адо этилди. Давлатга топширилган 10900 тонна «оқ олтин»нинг 10371 тоннаси «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Бу ялпи ҳосилнинг 95 процентига тенгдир. Ҳар бир машина ёрдамида ўртача 104 тоннадан пахта териб олинди. Хўжалигимиз коллективи хом ашё сифатини оширишга алоҳида эътибор берди. Шу туфайли ялпи хирмоннинг 80 проценти биринчи сортларга топширилди.**

**Бу меҳнат муваффақиятига Мусохон Аҳмедов бошқарувчилик қилаётган Ульянов номли, Абдулла Чачи бошқарувчилик қилаётган Мустафо Чачи номли, Алима Айзазова бошқарувчилик қилаётган «Тинчлик» бўлимлари заршунослари баракали улуш қўшдилар. Уларда ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 36—37 центнерни ташкил этди.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Энвер Алиев, Ридван Давлетов, Ўрмон Эрназаров, Сапарали Камековлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 40— 41 центнерга етказилди. Собир Шералиев, Сабри Корачўль, Тоҳир Мустафаев, Медат Давлетов, Мамет Ориф каби илғор механизаторлар ўз агрегатлари бункеридан 120-150 тоннадан «оқ олтин» тўкишга муваффақ бўлишди.**

**Хўжалигимиз миришкорлари ўз имкониятларини чамалаб, етиштирилган жами ҳосилнинг 95 процентини машиналарда териб олиш, давлатга қўшимча 1500 тонна пахта топшириб, ҳосилдорликни 37,5 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар.**

**Р. КАРИМОВ,**
**Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» тажриба хўжалигининг директори.**

**С. СУЛТОНБЕКОВ,**
**хўжалик партия комитетининг секретари.**

*• МЕҲНАТ РАПОРТЛАРИ*

## ОЛДИНДА—УЧИНЧИ ЗАФАР.

**Бувайда район партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати М. Ҳайдаров ҳикоя қилади:**

— Районимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлар КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун фидокорона тер тўкмоқдалар.

Сентябрь ойининг ўрталарида беш йиллик топшириқни шараф билан бажарганлигимиз ҳақида рапорт бергандик. Она-Ватан хазинасига 202 минг 574 тонна юқори сортли «оқ олтин» топширдик. Орадан роппа-роса бир ой ўтиб, иккинчи зафар нашидасини сурдик. Якунловчи йил пахта тайёрлаш топшириғини областда биринчи бўлиб бажардик. Эл хирмонига 40 минг 720 тонна пахта топширдик. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил ўртача 32,3 центнерни ташкил этди.

Бу муваффақиятта «Ленинобод», «Шарқ юлдузи», «Коммуна» колхозлари, «Қўштепа» совхози меҳнаткашлари баракали ҳисса қўшдилар. И. Усмонов, А. Рўзиалиев, Г. Умрзоқов, Р. Ниёзматов, А. Толипов, О. Маҳмудов сингари уста пахтакорларимиз меҳнат қилаётган пахтачилик коллективлари йиғим-теримни юксак уюшқоқлик билан ўтказишда барчага намуна бўлдилар.

Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини сурункасига беш йилдан буён қўлда сақлаб келяпмиз.

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь Чақириқларидан руҳланган районимиз меҳнаткашлари ўз зиммаларига яна 9300 тонна пахта топширишдек юксак мажбурият олдилар.

## ДАСТЛАБКИ МУВАФФАҚИЯТ

Районимиз меҳнаткашлари давлатга пахта сотиш беш йиллик планини барвақт адо этдилар. Ўтган йиллар давомида Ватан хирмонига 242,5 минг тонна пахта етказиб берилди Куйбишев номли, Карл Маркс номли, Свердлов номли, «Қизил Октябрь» колхозлари ва «Социализм» совхози пахтакорлари қўлга киритилган муваффақиятга катта улуш қўшдилар. Район хўжаликларида ўтган беш йил давомида ўртача ҳосилдорлик 5,1 центнерга ошди. Илғор колхоз ва совхозларда ҳар гектар ердан олинаётган ҳосил 38-42 центнерни ташкил этмоқда.

Механизаторлар йил сайин катта ютуқларга эришмоқдалар. Улар машинада пахта териш беш йиллик топшириғини муваффақиятли бажариб, «зангори кема»лар бункеридан 170 минг тонна пахта тўкишди. Бу — беш йиллик ҳосилнинг 70,5 процентига тенг.

Шу кунларда пахтазорларимизда ҳосилни тез ва соз териб олиш, план ва зиммага олинган социалистик мажбуриятни барвақт адо этиш учун қизғин кураш кетмоқда. 55 минг тонналик хирмон учун астойдил тер тўкаётган заршуносларимиз шу ойнинг биринчи ўн кунлигида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсофпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритдилар. Шунингдек, бундай мукофотга районимизнинг Куйбишев номли колхози пахтакорлари ҳам сазовор бўлдилар.

**С. ОТАХОНОВ,**
**Ворошилов район партия комитетининг биринчи секретари.**

**Н. МИРЗАЕВ,**
**халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси.**

